




ТОШКЕНТ

Газета 1986 йил 1 июлдан
чиқа бошлаган

Шаҳар иқтисодий-
сиёсий газетаси

№ 29 (8.919)

1997 йил

10 март, душанба

Сотувда эркин нархда

Газетанинг шу сонига

ТОШКЕНТ — СИЭТЛ: БИРОДАРЛАРНИНГ ЯНГИ УЧРАШУВИ

— Биз мамлакатингиз билан ўзаро фойдали ҳамкорликдан манфаатдор-
миз, — деди «Боинг» компанияси тижорат самолётлари гуруҳининг прези-
денти Р. Вударт. — Шу боисдан ҳозирги пайтда биз Тошкент авиация
ишлаб чиқариш бирлашмаси давлат ҳиссдорлик жамияти билан амалий
ҳамкорлик қилиш юзасидан бир қатор битимлар тайёрлаётимиз. Уларда,
жумладан, сизнинг бу улкан қорхонангиз цехларидан бирида «Боинг» само-
лётларини таъмирлаш ҳам мўлжалланган.

Тошкентликлар ушбу самолёт билан пойтахтга келган биродарлари —
Сизтл шаҳри амалий доиралари ва жамоатчилик вакиллари қизгин қарши
олдилар. Биродарлашган шаҳарларимиз вакиллари ўртасидаги учрашувлар
анъана тусини олган. Бироқ бу сафар Сизтл делегацияси ўзининг кўп сон-
лиги ва гўяг қулуқчилиги билан ажралиб турди. Делегация таркибидан
Сизтл шаҳри раҳбарияти билан бир қаторда амалий доиралар ва жамоатчи-
лик вакиллари ҳам бор.

— Шаҳрингизга илк бор келишим, — дейди «Сизтл—Тошкент» уюшмаси
фаолиятини бошлаган, етим болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш делегацияси
аъзоси М. Кинсберг. — Мен бу ерда мамлакатингизда икки йил бўлиб
меҳрибонлик қилган тарбияланувчиларига баҳоли қудрат ёрдам кўрсатиш
ниятиданам.



Шу ҳафта давомида биродарлашган шаҳарлар вакиллари олд-
лашувлари давом этади. Сизтллик амалий доиралар вакиллари иштирокида
«Тошкент — Сизтл биродарлашган шаҳарлар иқтисодий ва маданий ало-
қаларини ривожлантириш» ҳамда «Ўзбекистон Республикаси ўрта ва ки-
чик бизнеси соҳасига хорижий сармояларни жалб этиш истиқболлари»
мавзусида семинарлар ўтказилиши мўлжалланмоқда. «Туркистон» саройи-
да биродарлашган шаҳарлар шарафига концерт қўйиб берилди. Сизтл-
лик меҳмонлар Ўзбекистон пойтахти диққатга сазовор жойларида, меҳнат
жамоалари, Тошкент ҳокимлигида бўладилар, шунингдек Самарқанд шаҳ-
рини ҳам зиёрат қиладилар.

Зухра АХМЕДОВА

СУРАТЛАРДА: «Тошкент-2» аэропортида биродарлашган шаҳарлар
вакиллари олд-лашувлари давомида биродарлашган шаҳарлар
вакиллари олд-лашувлари давомида биродарлашган шаҳарлар
вакиллари олд-лашувлари давомида биродарлашган шаҳарлар

Тошкент метро лойиҳалаш жа-
моа қорхонаси меъморчилик иш-
ларини амалга оширишда бой
тажриба ортирган. Худди айнан
шу лойиҳалаш маркази негизда
Тошкент метро меъморчилиги
мактаби шаклланди. Ер ости те-
мир йўлининг биринчи навбати-
дан тортиб, бугунги кунда юзага
келган метрополитеннинг кенг қў-
ламли тармоғига — ҳамма ҳам-
маси, шу қорхона жўшқин фао-
лияти билан боғлиқ.

Тошкент метро лойиҳалаш жа-
моа қорхонаси иш бошлаганига
чорақ аср бўлди. Бу орада моҳир
га сингдириш имконини берди. Бу
ҳолат лойиҳада ўз ифодасини то-
пган, ҳар бир меъморий ишланма-
да ҳам ёрқин акс этди.

Самарали изланиш ушбу бекат
қурилишига метро меъморчилиги-
га хос шарқона бадиий сайқаллар
бериб учун ҳам йўл очиб берди.
Метро ички безагининг меъморий
таъсирига мос безакларга ишлов
бериб ушбу йўлга темир-бетон ус-
қуналаридан фойдаланиш тавсия
қилинди. Шу мақсадда янгича ко-
нструкторлик чизмаларини қўллаш
муҳим деб топилди.

Меъмор чизмалари асосида

Метро

ҚАСРЛАРДЕК ЎЗАП ВА НАФИС

муҳандис ва меъморлар самара-
ли изланишлари натижаси ўлароқ
бир-биридан қиройили ва қўркам
метро бекатлари нафосат қаср-
ларига айланди. Юнусобод мет-
ро йўли бекатлари ҳам нафис жи-
ҳозлардан ўзгаларга бўлибди.

— Юнусобод ер ости темир
йўлида қурилиш ва лойиҳалаш
ишлари мураккаб шахар қурили-
ши ҳамда муҳандислик-геологик
шароитларда олиб боришда,
— дейди етакчи меъморлардан
бири Феруза Музаффарова. —
Шу сабабли ҳам метросозлар қа-
тор муҳандислик муаммоларини
ҳал этишга муваффақ бўлибди.

Метро йўлининг кўпчилик қис-
ми соз тупроқли қатламлардан ўт-
моқда. Ер ости сувлари таъсири
ва бошқа сабабларни бартараф
қилиш билан боғлиқ гидрогеоло-
гик, сейсмик ҳолатлар ҳам ино-
батга олинди. Биз меъморлар ма-
салага шу нуқтага назардан ён-
дошиб, бир-бирини тақорламайдиган
бекат лойиҳаларини ишлаб
чиқдик.

Метро меъморчилиги ривожига
муносиб ижодий ҳиссасини қў-
шиб келадиган кўзга қўринган му-
ҳандис Феруза Музаффаровани-
нг ўзи ҳам Юнусобод йўналиши-
да бунёд этилаётган бир неча бе-
катлар лойиҳасини мукамал
тайёрлаб берди.

Ўзбек адабиётининг ёрқин
сиймоси Абдулла Қодирий номи
билан аталадиган метро бекати
лоиҳаси устида ҳам у кўнг ва
илҳом билан иш олиб борди. Бун-
да меъморнинг ортирган кўп йил-
лик ижодий тажрибаси қўл кел-
ди.

Мазкур кенг қамровли ва айни
вақтда ўта муҳим ижодий ишда
улкан сўз санъаткори Абдулла Қо-
дирий сиймоси ҳамда жўшқин
адабий фаолиятининг кўп қирра-
ларини метро меъморчилиги
санъати орқали ўйунлаштирилди.
Лойиҳада бундай ёндошув ёзу-
чи ижодий фаолияти ва адабий
муҳитни меъморчилик нафосати-

бекатга турли хил ажиб ёриткич-
лар намуналари махсус тайёрлан-
ди. Бу ҳолат шу ёрқин манзарани-
нинг янада нафисроқ бўлишига
ёрдам беради. Зеро, бу метро бе-
катда ўзига хос миллий бадиий
усул ва таъсирий воситалар на-
муналари мажмуаси юзага келди.

Ер остига тушиб, ушбу бекатга
кириб келган йўловчилар атоқли
ёзувчи ижодидан олинган матн-
ларни араб ёзувида битилганли-
гининг гувоҳи бўладилар.

— Юнусобод метро йўлида бу-
нёд этилаётган бошқа бир бекат
«Минор» деб аталадиган бўлди, —
дейди меъмор Ф. Музаффарова.

— Унинг лойиҳасини яратиш ҳам
менга топширилди. Ҳозир ана шу
чизмалар бўйича бу бекатда бу-
нёдкорлик ишлари қизгин давом
этирилмоқда.

Изланувчан меъмор билдирил-
ган бу катта ишнинг ҳам тўла оқ-
лади. Ушбу муҳандислик ижодий
жараёни ҳам метро меъморчи-
лигининг ўзига хос ютуғи бўлди
деб бемалол айтиш мумкин.

Аскар АЛИЕВ.

1997 — Инсон
манфаатлари йили

МИНГ РАҲМАТ

кредит олмасиз. Уни ўн йил давомида тўлайсиз.
Кредитни маошингиздан тўласангиз, даромад
солиғи тўламайсиз. Пулни бир йўла, ёки му-
ддатдан олдин тўласангиз, фойз миқдори яна
ҳам камадди. Қурувчилар ҳам барака топиш-
син, — деди Зулфия опа. — Тўрт хонали уйи-

УЙ-ЖОЙ ОБЛИГАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА КВАРТИРА ОПАДИГАНЛАРГА ИМТИЁЗЛАР

◆ Уй-жой қийматининг 50 фоизи
давлат бюджетни ҳисобига қоп-
ланади.

◆ «Тошуйжойжамгармабанк» кре-
дити 10 йил муддатга 20 фоиздан
ошмаган ҳолда берилди. Кредит-
ни муддатидан илгари тўлаб қўяди-
ганлар учун фойз ставкалари янада
камайтирилади.

◆ Кредит маошдан тўланадиган
бўлса, кредитга ўтказиладиган иш
ҳақиқдан даромад солиғи олин-
майди.

◆ Уй-жой облигациялари бўйича
квартиралар сони, сатҳи чегаралан-
майди.

◆ Квартиралар уй-жой облига-
циялари эгалари яқин буюртмасига
мувофиқ алоҳида пардозланиши
мумкин.

◆ «Тошуйжойжамгармабанк» бую-
ртмаси бўйича барбд этилаётган уй
шартономада белгиланган муддатда
битказилмаса, пудратчи ташкилот-
лар ана шу муддатдан кечиккан ҳар
кун учун бино қийматининг бир фо-
зи миқдориди жарима тўлайдилар.



МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Яқинда Исроил давлатида ў-
қатилган халқаро авиакомпания-
лар кўригига «Ўзбекистон ҳаво
йўллари» миллий авиакомпания-
си энг намунали деб топилган
эди. Ушбу юксак мавқени сақлаш
ва янада ривожлантириш учун
салиқли ишлар амалга оширил-
моқда.

Собир Раҳимов туманидаги 310-
авиация-иктисод лицейи ўрта-ма-
хс таълим негизига авиакомпания
учун кичик мутахассислар тайёр-
лайди. Ўқув максадида таълим
олаётган ўқувчилар ўз касбларини
халқаро талаблар даражасида эгал-
лашлари учун барча шароитлар му-
ҳайё этилган. Лицей битирувчи-
лари ўз соҳаларидаги иш билан
таъминлаш муаммоси ҳал этилган.
Лицейда қўллаб қўллаб ҳамдў-
стлик ва хорижий мамлакатларда-
ги ўқув масканлари, авиакомпания-
лар билан ўзаро ҳамкорлик
йўлга қўйилган. Мақсад — «Ўзе-
кистон ҳаво йўллари» миллий
авиакомпаниясига халқаро талаб-
лар даражасидаги малакали му-
тахассислар етиштириб бериш-
дир.

Ойгул ТУРҲУНОВА



МАМЛАКАТИМИЗДА

◆ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам
Каримов 7 март куни АҚШдаги етакчи яхудий ташки-
лотлари президентлари конференцияси делегация-
си аъзоларини қабул қилди.

◆ 7 март куни Тошкентдаги «Туркистон» саройида
Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан танта-
нали кеча ўтказилди. Президентнинг давлат масла-
хатчиси Ў. Раҳматов давлатимиз раҳбари Ислам Ка-
римовнинг Ўзбекистон хотин-қизларига йўллаган бай-
рам табригини ўқиб эшиттирди.

◆ Республика хотин-қизларининг Тошкентда бў-
либ ўтган биринчи конференциясида ўтган беш йил-
даги ишлар яқунлари муҳокама қилинди. Ўзбекистон
хотин-қизлари кўмитасининг ташкилий пленумида
Дилбар Фуломова яна ушбу кўмита раиси этиб
сайланди.

◆ Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган АҚШ
етақчи яхудий ташкилотлари президентлари конфе-
ренцияси делегацияси аъзолари Олий Мажлис раи-
си Эркин Халилов билан учрашдилар.

◆ НАТО Бош котиби Хавьер Солана 12-14 март
кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўла-
ди.

◆ «Усто» бирлашмаси ҳамда БМТнинг тараққиёт
дастури Тошкентда «Ўзбекистоннинг ҳунарманд аёл-
лари» кўргазмасини ташкил этдилар.

ҲАМДЎСТЛИКДА

◆ Бугун Ашхабадда Ҳамдўстлик мамлакатлари че-
гара қўшинлари кўмондонларининг учрашуви бўла-
ди.

◆ Москвада Тожикистон маъмурлари ва бирлаш-
ган муҳолифатчилар вакиллари ҳарбий масалалар
бўйича музокараларда бир битимга келдилар. Аҳд-
лашувларга кўра яқин икки ой ичида муҳолифатчи-
лар қуролли бўлиналари Афғонистондан Тожик-
истонга олиб келиш, шундан сўнг уларни мамлакат
Қуролли қучлари сафига қўшиш қўзда тутиляпти.

◆ Олмаотада Қозоғистон ва Литва президентла-
рининг олий даражадаги учрашувида икки мамлакат
ўртасида иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга
қаратилган 5 та битим имзоланди.

◆ Москвада Россия ва Белоруссия президентла-
ри ўзаро музокаралар ўтказдилар. Улар 2 апрель
куни яна учрашиб, икки мамлакат интеграцияси юза-
сидан сиёсий ҳужжат имзолашни мўлжаллаптилар.

◆ Бугун Исроил Бош вазири Бениамин Нетаниа-
хунинг Москвага расмий ташрифи бошланди.

◆ НАТО Бош котиби Хавьер Солана ўзининг Ҳам-
дўстлик мамлакатлари бўйлаб ташрифини Москва-
дан бошлади. У Россия ташқи ишлар вазири Евге-
ний Примаков билан музокаралар ўтказди.

ХОРИЖДА

◆ Албаниядаги танглик давом этапти. Мамлакат-
да ғалаён кўтарганлар ҳозир Албания жанубидаги 6
та шаҳарни ўз назоратига олганлар. Ана шундай ва-
зиятда мамлакат президенти Сали Бинеша муҳоли-
фатчилар тазйиқи остида барча сиёсий партия ва-
киллари иштирокида коалицион ҳукумат тузиш, икки
ой муддат ичида парламент сайловлари ўтказиш, бар-
ча исён кўтарганларни авф этиш тўғрисида баёнот
берди. Оммавий ахборот воситалари бу ғалаён кў-
тарганлар томонидан ижобий кутиб олинганлигини
маълум қилдилар.

◆ Япониянинг Лимадаги элчихонасида ҳали ҳам
72 кишини гаровга ушлаб турган жангарилар Перу
маъмурлари билан ўзини учрашувдан бош тортди-
лар. Бунга ҳукуматнинг жангарилар асосий талаби —
ўз тарафдорларини мамлакат қамқоналаридан озод
этиш рад этилганлиги сабаб қилиб кўрсатилди.

◆ Халқаро Олимпия кўмитасининг Лозанадаги қа-
роргоҳида 2004 йилги Ёзги олимпия ўйинларига
даъвогар беш шаҳар эълон қилинди. Улар Афина,
Буэнос-Айрес, Кейптаун, Рим ва Стокгольмдир. Рос-
сиянинг Санкт-Петербург шаҳри бу даъвогарлар
рўйхатидан тушиб қолди.

Маънавият


МИЛЛИЙ МЕРОС ВА ЁШЛАР ТАРБИЯСИ

Халқаро «Олтин мерос» хай-
рия жамағармаси Тошкент кимё-
технология институтида «Миллий
маънавий мерос ва ҳозирги кун-
да талаба-ёшлар маънавий тар-
биясининг долзарб масалалари»
мавзусига бағишлаб учрашув ў-
казди.

Учрашувда жамағарма раиси,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ху-
дойберди Тўхтабоев миллий-
маънавий кадрларни тиклаш
ва ўрганиш борасида «Олтин ме-
рос» жамоаси томонидан олиб
борилаётган хайрли ишлар, муам-

мо ва галдаги режаларга тўхтал-
ди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси
Мирмуҳсин ҳам ёшларни даври-
мига муносиб фуқаролар қилиб
тарбиялашда маънавиятнинг
уйнаётган ролига тўхталиб, бу бо-
рада «Олтин мерос» жамағармаси
томонидан қўлланаётган тад-
бирлар амалга оширилаётганли-
гини ўқитиб ўтди. Жамағарма
раиси профессор-ўқитувчилар ва
талабалардан тушган қўллаб-сав-
волларга жавоб қайтарди.

Музаффар ТУРОБОВ.



Аввал хабар қилганимиздек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1997 йилда Тошкент шаҳрини қайта қуриш ва обод этишни давом эттириш тўғрисида қарор қабул қилди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ушбу қарор ижросини таъминлаш юзасидан тегишли дастур ишлаб чиқди. Мухбиримизнинг Тошкент шаҳар бош меъмори Муҳаммадмин Расулов билан суҳбати ҳам пойтахтни қайта қуриш ва обод этиш режалари ҳақидадир.

— **Муҳаммадмин Олимжонович, Тошкент шаҳрини қайта қуриш ва обод этиш дастурини ишлаб чиқаришда асосий эътибор нималарга қаратилди?**

— Биринчи навбатда биз лойиҳа-қурилиш ишлари ҳажми, уларни маблағ билан таъминлаш манбаларини аниқлаб олдик. Шунингдек таъкидлаш жоизки, дастурни баҳаришга республикамиз турли вазирлик ва идоралари, банклари жалб этилади. Бино ва иншоотлар қурилишида мулкчиликнинг турли шаклларида тегишли пудрат ташкилотлари иштирок этадилар. Уларга турли имтиёзлар кўзда тутилганлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Бундан ташқари, «Тошуйжойинвестқурилиш» корпорациясига иншоотларни зарур ускуна ва материаллар билан таъминлаш, бинокорлик-пардозлаш ишларининг баъзи турларини баҳаришга хорижий фирмаларни танлов (тендер) асосида жалб этишга рўхсат берилди.

Белгиланган дастурга мувофиқ қайта қуриш ва обод этиш ишларига 25 миллиард сўм маблағ жалб этиш мўлжалланган. Бу 1996 йилдаги 50 фоиздан ҳам кўпроқдир. Бунга давлат бюджетидан ташқари, турли вазирлик, идоралар, тижорат тузилмалари, аҳоли маблағлари ҳам қиради. Пойтахтда 250 минг квадрат метр ҳажмда уй-жой қурилиши мўлжалланган. Таққослаш учун шунинг айтиш мумкинки, 1996 йилда шаҳарда 175 минг квадрат сатҳи уй-жойлар қурилди.


— **Режаларнинг улканлигини ҳис этиб турибмиз. Шаҳарликларни биринчи навбатда турар жой мавзелари қаерда қад кўтариши қизиқтириш табиийдир...**

— Тошкент шаҳри бош режасига мувофиқ Қоратўш мавзесида, Навоий, Бегуний, Зокиров, Зарқайнар кўчалари ўртасида, шунингдек Сағбон ва Фаробий кўчалари бўйлаб ҳам замонавий, ҳам жиддий меъморчилик аъёналарига жавоб берадиган, барча қўлайликларга эга уй-жойлар қад кўтарилади. Аввалги йилларда пойтахт Эски шаҳар қисмида кенг ва раво кўчалар барпо этилган бўлса, энди улар атрофи ҳам шу кун талабига жавоб берадиган бинолар билан кўркамлашади. Эски шаҳарни қайта қуриш ва обод этиш режасига кўра иморатлари бузилган оиналар учун шу йилнинг ўзига 2 мингта квартира қуриб, фойдаланишга топшириш мўлжалланган.

Мавзеларда уй-жойлар билан бир қаторда маданий-маиший бинолар, боғ-роғ ва хиёбонлар ҳам барпо этилади. Инсон манфаатлари йили деб эълон қилинган 1997 йилда ноёб спорт-соғломлаштириш мажмуаларини барпо этиш юзасидан ҳам жуда катта ҳажмдаги ишларни баҳариш кўзда тутилган. Хусусан, «Юрс» спорт маркази қурилиши ниятсизга етмоқда. Юнусобод туманида эса 3 минг томошабўйга мўлжалланган ёпиқ теннис корти қурилишига киришилди. Тошкентда спортнинг жуда кўпчилик турлари билан шуғулланиш имконини берадиган ёпиқ стадион қурилиши ҳам режаланган.

— **Шаҳарсозлик лойиҳаларида жуда ноёб иншоотлар қурилишига эътиборни қаратдик...**

— Ҳа, мушакил давлатимиз пойтахти жаҳоннинг энг гўзал ва кўркам шаҳарлари билан бўлашадиган бўлмоқда. Яқин вақт ичида Навоий кўчаси бўйлаб осмонўпар бинолар қад кўтарилади. Хусусан,



Ушбу мажмуа амалий марказ идораси, меҳмонхона, шунингдек уй-жой ва хизмат кўрсатиш шохобчалари учун мўлжалланган осмонўпар бинолардан иборат бўлади.

Навоий кўчасида халқаро савдо марказини барпо этиш ҳам кўзда тутилмоқда. У «Ўзбекионгурс» — Хауден Лиху» хиссдорлик жамияти ҳамда «Александр» ва Александр» халқаро банк гуруҳи томонидан барпо этилади. Ушбу мажмуага маъмурий бинолар, меҳмонхона, хизмат кўрсатиш иншоотлари, кўрғазма павильони қиради.

мида) мавжуд кўп қаватли бинолар ёнида уларга монанд савдо расталари барпо этилади. Улар қуриб битказилиши билан ўзига хос кенг кўламли меъморчилик мажмуаси шаклланади. Янги савдо расталарида ҳамшаҳарларимиз хилма-хил хизмат турларидан баҳраманд бўладилар.

Бу йил Халқлар Дўстлиги майдони яқинида Ўзбекистон Республикаси банклар уюшмасининг молиявий хизматлар маркази биноси қурилиши бошланади. Ҳозир «Пахтакор» стадиони ёнида қурилиши бошланган Давлат консерваторияси биносининг фойдаланишга топширилиши ҳам шаҳар кўрғазма кўрқ кўшади.

— **Тошкент биргина кўркам бинолари, кенг кўчалар билан эмас, балки боғ-роғлари, хиёбонлари билан ҳам машҳур. Шаҳарни кўркамлаштириш режалари қандай?**

— Ҳозирги пайтда «Пахтакор» стадиони атрофи, Абай ва Ўзбекистон кўчалари оралигидаги ҳамда «Ўзбекистон» ва «Тата» меҳмонхоналари атрофидаги ҳудудларни ободонлаштириш ва кўркамлаштириш ишлари бошланмоқда. Айни пайтда Бўзсув каналининг Олимпия шон-шўҳрати музейи ёнидаги қисми ҳам тубдан таъмирланади.

Алишер Навоий номидаги миллий боғ тошкентликлар ва пойтахт меҳмонлари учун энг сеvimли жой бўлиб қолганини сир эмас. Бу йил ана шу ҳудудни обод этиш ишларини ниятсизга етказиш мўлжалланган. Жумладан шу ерда турли байрам тадбирларини ўтказиш учун мўлжалланган саҳна мажмуаси барпо этилади.

Лойиҳаларда Бобур номи, Абдулла Қодирий номи маданият ва истироҳат боғларини кенгайтириш ва обод этиш режалари ўз аксини топади. Сергели туманида эса шубҳасиз аҳолининг энг сеvimли ҳордиқ чиқарадиган жойига айланмадиган кўп ва боғ барпо этиляпти. Пойтахтда кўчаларни кенгайтириш ва таъмирлаш ишлари ҳам изчил давом этади. Хусусан, Нукус, Фигель, Я. Колос, Қарамов кўчаларини кенгайтириш мўлжалланган. Ҳадра майдони ҳамда 1-Тошкент давлат тиббиёт институти олдидаги чорраҳалар ҳам тубдан таъмирланади. Тошкент метрополитени Юнусобод йўналишида олти бекат қурилишини ниятсизга етказиш ҳам кўзда тутилмоқда.

Албатта, бир суҳбатда 1997 йилда ва яқин келажакда Тошкент шаҳрини қайта қуриш ва обод этиш улкан режалари ҳамма жойларини қамраб олиш амри-маҳол. Шу боис янги бунёдкорлик ишлари тўғрисида доимий «Истиқбол» руҳини эсда эълон қилинадиган мақолаларда мунтазам ҳикоя қилиб бориладим.

Суҳбатдош Ойдин ҲАСАНОВА. СУРАТЛАРДА: Тошкент шаҳрини қайта қуриш ва обод этишни давом эттириш борасидаги қарорга мувофиқ тасдиқланган лойиҳалар мана шу суратларда ўз аксини топади.

- Ўзбекистон кўчасидан ўрин оладиган савдо маркази;
- Пушкин ва Абдулла Қодирий кўчасининг туташ жойи мана шундай акс этади;
- Шаҳар ҳокимлиги мутасаддилари (чапдан ўнгга) Улуғбек Абдуллаев, «Тош-лоиҳа» бошқармаси бош архитекторининг ўринбосари Рустам Валиев, Миробод тумани ҳокими Бахтиёр Максудхўжаев, «Тошгипрогор» директори Жамолитдин Исмоиловлар навбатдаги лойиҳани кўздан кечиришмоқда;
- Сергели туманида жой оладиган истироҳат боғи шундай гўзалликка эга бўлади;
- Ўзбекистон кўчасидан жой оладиган савдо марказининг ички кўриниши мана шундай бўлади;
- Матбуотчилар кўчасининг чап томони қайта таъмирлангандан сўнг шундай гўзалликка эга бўлади.

Рустам Шарипов олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРАСИ ВА ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МАТБУОТ ХИЗМАТЛАРИ ХАБАР ҚИПАДИ

80-90-йилларда республикада давлатнинг юқори вазифаларида, жумладан Тошкент шаҳар ижроия комитети раиси (1985-88 йиллар), Министрлар Совети Раисининг ўринбосари (1989-90 йиллар), Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раиси (1990-91 йиллар) лавозимларида ишлаган Ш. Р. Мирсаидов кейинги бир неча йиллар давомида халқаро ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотлари ҳамда хорижий давлатларнинг элчихоналарига маҳаллий ҳукумат унинг ҳуқуқларини поймол этаётгани ва шахсиятини ҳақоратлаётгани хусусида қайта-қайта мурожаат этди, хатлар жўнатди. Ўзини гўёки қаттиқ таъкиб остига олиб, ҳамда унинг ҳақоратлари поймол этилаётгани билан кимса қиёфасида кўрсатишга уриниб республика суд ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари билан бўлган муносабатларини бўзиб, сохталаштириб кўрсатишга уринишдан ҳам қайтмади.

Бундан мақсад Ш. Мирсаидов ўзини сиёсий маслаҳатчи-мақсади учун таъкиб этилаётгандек кўрсатишга ҳаракат қилиш эди. Чунонки, у 1996 йил 11-13 сентябрда Тошкентда Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгаши йўналишида 53 давлатнинг халқаро ташкилотлари ва экспертлари иштирокида бўлиб ўтган семинар-кенгашдаги маърузаси учун ўзини гўёки сиёсий таъкиб этилаётгандек кўрсатди.

Республика Прокуратураси ва Ташқи ишлар вазирлиги органларида юқорида тилга олинган ташкилотларга унинг номидан тундаётган шикоят сўровлари бўйича ҳозиргача бир неча бор жавоб беришга тўғри келди ва тўғри келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда Прокуратурасининг кўпдан-кўп ва бир неча бор тушунтиришларига қарамайдан унинг барча мурожаатларига ҳужжатлар асосида берилаётган жавоблар, афсуски, унга таъсир қилмапти ва у Ўзбекистон ҳудудидан ташқаридаги қатор ташкилотларга ариза билан мурожаат этишда давом этаёпти. Биз шунинг хисобига олиб, Ш. Мирсаидов ишига алоқадор ҳақиқий ахволини тушунтириш ҳамда бу ишга нуқта қўйиш учун яқин ўтмишда бўлиб ўтган воқеаларга мурожаат этишга мажбурмиз.

Шундай қилиб, фактлар: Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раиси лавозимини эгаллаган Ш. Р. Мирсаидов ўз мансабидан республиканинг фаровонлиги учун эмас, балки шахсий манфаатлари йўлида фойдаланди. Ўзбекистондан ташқаридаги тижорат фирмалари билан турли хил олди-берди ва савдо-сотик ишларини қўнғига хилоф равишда амалга оширди. Бунинг учун ўзининг тижорат борасидаги «дўстлари» ва шахсий танишларидан фойдаланди. Жумладан, СССР собиқ вице-президенти Г. Янаев, СССР Давлат Хавфсизлик комитетининг юқори лавозимдаги ходими полковник С. Парамонов, шунингдек келиб чиққан эронлик бўлган хорижийлик Ш. Шаҳназов билан бўлган қалин муносабатларини айтиб ўтиш мумкин.

Шунинг ажабланарлики, юқорида номи тилга олинган Ш. Шаҳназов полковник С. Парамоновнинг қувви эди. Бу Совет КГБси тарихида ҳеч қачон учрамаган воқеа. Ушбу пайтларда чет элликлар билан бўлган ҳар қандай, айниса қариндошлик ришталари билан боғланган «алоқалар» тегишли ҳокимият органларининг эътирозига сабаб бўлар, ҳу-

сусан КГБ ходимлари учун бундай алоқанинг йўли мутлақо тўсилган эди.

Номлари зикр этилган шахсларнинг ёрдамида Ш. Мирсаидов Австрияда АТУ фирмасини ташкил этиб, унга ўз ўлини бошлиқ қилиб қўйди. Ҳужжатлар асосида тасдиқланганича, шу жумладан мушакил Британия экспертлари ҳамда Вена иқтисодий полицияси федерал маъмуриятининг 1993 йил 15 апрелдаги ҳисоботида кўра, бу фирмани ташкил этишдан мақсад Ўзбекистондан гўёки мавоза усулида экспорт қилинаётган пахтаги ҳийла-найранг йўли билан ўзлаштиришдан иборат бўлган. Дарҳақиқат, етказиб берилган бу пахта Европа бозорларида нақд валютага сотилди, ундан келган фойда эса ҳеч қандай назоратсиз Ш. Мирсаидов ҳамда унинг ҳақоратлари чўнтагига тушиб турди.

Бундан ташқари Ш. Мирсаидов узоқ йиллар давомида Министрлар Совети Раиси ўринбосари, республика Давлат план комитети раиси лавозимида ишлаган пайтлариданок, аниқроқ айтганда 1990 йилдан ўзининг хизмат вақолатларини суистеъмол этиб, Тошкент шаҳар ижроия комитетидagi масъул ходимларга таъкиб ўтказиб, мавжуд уй-жой қўнғилиги ва бу борада белгиланган тартибни бузиб, ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда қариндошларига навбатдан ташқари уй-жой ва ер участкалари олиб берди. Ш. Мирсаидовнинг кўрсатмалари асосида унинг ака-укалари, жиянлари ҳамда қариндошларига уй қуриш учун 6 та ер участкаси бўлиб берилди.

Айнан шу воқеалар, шунингдек бошқаруш мақсадида ўз хизмат мавқеини мунтазам равишда суистеъмол этиш унга нисбатан икки жиноий иш ва айблов ҳукми чиқарилишига сабаб бўлди.

Бу иш бўйича 1992 йил 1 апрелда Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 149-банд 2-қисмига мувофиқ («Ўз хизмат ва зифаси ёки мансабининг суистеъмол этиш») 80-рақам билан биринчи жиноят иши очилди. Бу иш батафсил текширувлардан кейин Ўзбекистон Республикаси Олий судига юборилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 18.06.93 йилдаги ҳукми билан фуқаро Ш. Р. Мирсаидов 3 йил муддатга озодликдан маҳрум этилиб, ундан жиноий ишга тўғайли 5 миллион 636 минг 670 АҚШ доллари миқдорига етказган моддий зарарини ундириб олишга қарор қилинган эди. Ҳудди ўша ҳукм билан инсонпарварлик нуқтаи назаридан келиб чиқиб, республика мустақиллиги эълон қилинганлигининг бир йиллиги муносабати билан 28.08.92 йилдаги авф актига биноан у жаҳони ўташ мажбуриятини озод этилди.

№18/208-93 рақамли иккинчи жиноий иш Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 149-моддаси 2-қисмига биноан 1993 йилнинг 14 сентябрида қўзғатилган эди («Хизмат вазифасини ёки мансабининг суистеъмол қилганлиги учун»).

Ҳудди ана шу қилмишлари учун, аниқроқ айтганда, Сер участкаларини ва квартираларни ноқонуний тақсимилаш ва ўзлаштириб олиш тўғрисида қўнғон томонидан муҳофиза қилинаётган фуқароларнинг манфаатларига ҳамда давлатга жиддий зарар етказганлиги учун суд қарорига кўра Ш. Мирсаидов 30.06.1994 йили 4 йилга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинди. Суд бунда яна инсонпарварлик нуқтаи назаридан келиб чиқиб, қамқоқ жазосини 3 йиллик синов муддати билан алмаштирди.

Ҳозирги кунгача Ш. Мирсаидовнинг ноқонуний ҳаракатлари билан келтирилган моддий зарарнинг бор-йўғи 24 минг 563 сўми давлат хазинасига қайтарилган ҳолос. Бундай «суръат» билан суд қарорини баҳариш учун у яна 5,5 миллиондан зиёд АҚШ доллари миқдоридagi маблағни қайтариши керак.

Юқорида айтиб ўтилганидек,

Ш. Мирсаидов ўз амалларидан фойдаланиб, шаҳарнинг энг нуфузли жойларидаги квартираларни ва ҳовли-жойларни ўз оиласи учун ўзлаштириб олган. Масалан, унга тегишли 12 хона, бир неча санитария тармоқлари, бассейни сауна, бильярд зали ва бошқа ҳўжалик биноларидан иборат бўлган биттагина ҳовли бутун бошли болалар боғчасини сиғдириши мумкин.

Етказилган алоҳида катта ҳажмдаги моддий зарарни тўлашдан Ш. Мирсаидовнинг бутунлай бош тортганини ҳисобига олиб, 1996 йил Тошкентда бўлиб ўтган Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти семинар-кенгашига қадар чиқарилган суд ҳукмининг амалга оширишининг биргина имконияти мавжуд. У ҳам бўлса Ш. Мирсаидов ва унинг оила аъзолари номига ўтказилган уй-жой бинолари ҳамда квартиралар аукционда сотилиб, давлатга етказилган моддий зарарни қоплаш учун мусодара этилади. Унинг ўрнига Ш. Р. Мирсаидов ва оила аъзолари сонини ҳисобига олиб, уларга 4 квартира ажратилди.

Суд қарорини баҳаришдан бош тортти, жавобгарликдан қутулиш учун Ш. Мирсаидов ўзгача йўللарни кидирмоқда, ўзини ҳукуматга сиёсий муҳолифатда турган ҳуқуқ ҳимоячиси қиёфасида кўрсатишга уринмоқда.

Даставвал, «Адолат» сиёсий партиясини, «Хейнчалик» «Ҳақ йўл» адалатда» партиясини тузишга, «Ўзбекистон демократик қўчаларини мувофиқлаштирувчи кенгаши»ни шакллантиришга кўпдан-кўп уринишлар бўлди. Бунда чет эллардаги ҳар хил матбуот ва ахборот марказларига улардан ҳимоя ва мадад сўраб аяханнос солинди.

Энг муҳими, Ш. Мирсаидов тушунишни ва ақл-ҳушини йиғиб олишни йўламапти: охири оқибат вийхонду имонини йўқотган ва бутунлай шармандаю шармисор бўлиши бу «доҳий» билан бутунги кунда ким ҳам ўз тақдирини боғларди?


Бундай найранглардан қўзланган асосий мақсад кўриниб турибди: ўзининг барча қилмишларини яшириб жавобгарликдан қочиш ва агар имкон топса сиёсий муҳолиф сифатида юзага чиқиб. Бунда Ш. Мирсаидов ўз ватанига нисбатан бўҳтонку иғволардан ҳам фойдаланишдан тап тортмаяпти. У бу билан халқаро ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ташкилотларнинг диққатини республикадаги ҳақиқий вазиятдан ва давлат органларини суд қарорига биноан давлатга келтирилган катта зарарни ундириб олишга мажбур бўлаётганликларидадан қалтиштиришга уринмоқда.

Ўзини юртнинг «ҳақиқий ватанпарвари» ва Ўзбекистон манфаатлари учун астойдил кураш қилиб кўрсатаётган Ш. Мирсаидов ишининг маънавий томонлари ҳақида гапирадиган бўлсак, беихтиёр қуйдаги савол туғилади: ҳўш, жаноб Ш. Мирсаидовнинг «ватанпарварлиги» нималарда ифодаланар эди?

Бу давлат ва Олий суд олдидаги конституцион бурчини баҳармаётганлигида ифодаланармикан? Ёки 1992 йилдан ҳозирги кунгача ҳеч қачон жамоат ишида қатнашмагани ва бутун ҳам қатнашмаётганлиги, жамиятга фойдаси тегиши мумкин бўлган бирон бир иш билан шўғулланишга ҳаракат ҳам қилмаётганлигида ифодаланармикан?

Бу борада ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотлари ва чет эл мамлакатларининг айрим элчихоналаридан ҳамиша ҳимоя топишга интилиб келган Ш. Мирсаидовнинг ҳавас қилиб бўлмайдиган тарихи ҳақида ўзлари бир хулосага келадилар, деб ўйламоқ керак.

Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси матбуот хизмати, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги матбуот хизмати.



Таниқли адиб Омон Мухтор кейинги йилларда бир неча роман ёзди. Уларнинг орасида саргузашт жанрида ҳам, лирик дейимизми, фалсафий дейимизми жанрлардагилари ҳам бор.

Аваллари Омон Мухторнинг ҳикоялари, қиссалари эълон қилинган. Улар ҳаётнинг маълум бир нуқтасини чуқур таҳлил этиши билан ажралиб турарди. Абдулла Қодирий номидаги Республика Давлат мукофотиға қўйилган «Минг бир қиёфа», «Тепаликдаги хароба», «Кўзгу олдидаги одам» романи ари (уччалоғи «Тўрт томон қиёфа» трилогиясини ташкил этади) янада чуқур фалсафий рўҳияти, кўлами ва образларининг ёрқинлиги билан диққатга сазовордир.

Бир сўхбат пайтида бир

«Кўзгу олдидаги одам» романи ҳаёт, яшаш ҳақидаги мушоҳаданинг энг ечимига етган нуқтаси десак тўғри бўлади. Асардаги ҳақиқатпарвар Валижон, унинг ўқсуқина севгилиси Ҳанифа, Сирож муаллим, Бадалбек, кўкмитир тусдаги тўрт азамат йигит, гўзал Мамлакат, булар кўзгуда акс этиб турган, лекин кўзга чалинмайдиган шарпалардир.

Кўзгуда инсоннинг ташқи қиёфаси акс этади. Бунга ҳаммамиз биламиз. Лекин бунинг акси, инсоннинг ботиний қиёфаси акс этиши мумкинми?

Номзодлар

МИНГ БИР ҚИЁФА

танқидчинамо дўстимиз: «Омон аканинг романлари фантастикага ўхшайди» деб қолди. Шундан кейин уч романи қайта ўқиб чиқдим. Йўқ, бу асарлар фантастика эмас, деган хулосага келдим. Чиндан ҳам «Минг бир қиёфа» романидаги Абдулла Ҳаким, Бурхон Шариф, Ибодулла Кабир, Раҳимбек Ёл, Ғулом сартарош орамиздаги одамларнинг сўвратларига ўхшайди. Биз уларнинг борлигини қалбдан биламиз, лекин кўрмаймиз, кўролмаймиз. Сабаби уларнинг қиёфаси минг битта.

Роман уч ҳикоятдан иборат. Биринчи ҳикоят Абдулла Ҳакимнинг тақдириндан бахс юртаса, иккинчи ҳикоят Бурхон Шариф, Садиржон, Гулҳумор ҳақидаги кўз қўриб, қулқоқ эшитмаган воқеалардан ташкил топган. Негиз кўз қўриб, қулқоқ эшитмаган? Ахир, сохта севги, амал деб наинки дўстга, муҳаббат, садоқат, иймонга хиёнат қилиш, кўз қўриб қулқоқ эшитмаган воқеа? «Минг бир қиёфа» кеаги кунимиз ҳақидаги дардди бир дoston десак тўғри бўлади. Ўзар, биронинг номи билан ҳалок бўлган, лекин қалби пок, нияти олий бўлгани учун дўзахдан ҳам омон чиқиб жаннатга кирган Абдулла Ҳаким: у мен учун ўлди деб айтмаган, умрининг охирида изтироб чеккан Бурхон Шариф, хиёнаткор, битта биони бутун олам деб ўйловчи Гулҳумор, йўқни йўндрувчи, оқни қора қилиб ёки қорани оқ қилиб кўрсатишга устаси фаранг Ғулом сартарош ва ниҳоят, ҳақиқаттўй Насриддин афандилар ҳатто кеаги кунимиздан бугунга ҳам ўтиб, омон келган. Ўқувчилар ҳар бир қиёфа остида аниқ одамни тасаввур этадилар. Айнан шунинг учун ҳам романни ҳаёл маҳсули деб айтган муаллиф.

«Тепаликдаги хароба» романи ҳам айнан шу руҳда. Минг бир қиёфанинг давомидек туюлади. Асар қаҳрамони Мирза Ғолиб, Садиржоннинг умрини давом эттираётгандек гўё. Унинг қисматида ҳам ғаройиб воқеалар жуда ҳам ишонарли қилиб тасвирланган. Олис йўл, тепаликдаги хароба, Мавлоно Лутфий, машҳури жаҳон шоир Байрон, Гулгун — булар инсон рўҳиятини чизибди. Рўҳияти бутун одам борки мабодо чуқур идрок қилса, худди Мирза Ғолиб кўрган кунни ҳаёлан бошидан кечирishi мумкин.

Темур УБАЙДУЛЛО.

Ҳар бир касбнинг устаси бўлади. Халқ орасида уста деган ном олғиш ғоят шарафлидир. Ганҷқорим, дурадгорим, қулқоқим, шағирим, наққошим, хуллас, ўз касбининг устаси борки, халқ ичиди унинг обрўси катта. Устанинг шон-шарафи эларо узоқ яшайди.

Республикамизда миллий меъморчилик ва халқ амалий санъатини ривожлантиришда ўзининг салмоқли хиссасини қўшган қадимий Хоразмнинг машҳур наққош рассомларидан бири Абдулла Болтаев эди. У бу йил 2500 йиллиги нишонланган Хива шаҳрида 1896 йили камбағал хўнараманд оиласида туғилди. Унинг отаси ўз даврининг иқтидорли бўёқчи устаси эди. Абдулла ёшлиғида ўша давр эски мактабда ўқиб савод чикарди. Кейинчалик ота изидан бориб, меъморчилик санъатини севиб, унга ихлос қўйди.

Фарзандининг хўнарга бўлган қизиқишини сезган ота уни ўзи ишлаётган ижодхонасига етаклайди. Отаси Абдулгани 12 ёшида ўз даврининг таниқли наққош рассоми Эшмуҳаммад Худойбергановга шогирдликка беради. Бола устозидан наққошлик хўнари сирларини ўргана бошлайди. Ёш Абдулла устози Эшмуҳаммад наққошдан расмларга қараб, тез орада «Нина ўриш», «Сир», «Кош»ни ва «Бўёқ тайёрлаш» каби хўнарларни пухта ўрганди.

Абдулла бўш вақтларида кун бўйи Хивадаги ёдгорликларни синчиклаб кўрар, қанча кўрса ҳам зерикмасди. Заррин, хилма-хил товланиб турган лажувард кошнлардаги бўёқлар тобора уни ўзига чорлаб мафтун этар эди. У кўпична Кўна Арк, Пахлавон Маҳмуд мақбараси, Оллоқулихон, Мадаминхон мадрасалари ҳамда Тошхўли саройларида бўлиб, бу ердаги жилодор наққош кошнлар, ёғоч эшиги ўймакорлиги санъати, мрамор тошлардаги бадий безакларга разм солар, синчиклаб ўрганар ва уларнинг айримларидан андоза олиб, қорозга туширар эди. Шундай қилиб, Абдулла устози Эшмуҳаммаддан санъат сирларини ўрганиб, моҳир наққош — рассом уста бўлиб танилди, ва энг мураккаб ишларни ҳам ўзи мустақил бажара бошлайди.

